



“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Ўзбекистон Республикаси  
Raқобатни ривожлантириш ва  
истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя  
қилиш қўмитаси хузуридаги  
Жамоатчилик кенгаши раиси

Д.Мирзаахмедов

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва  
истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси хузуридаги  
Жамоатчилик кенгашининг 2024 йилнинг 27 август куни ўтказилган  
йиғилишининг 01-сонли  
БАЁНИ

**Раислик қилди:** Ўзбекистон Маркетинг уюшмаси бошқарув раис Диёр  
Мирзаахмедов

**Қатнашдилар:** Жамоатчилик кенгаши аъзолари: Ш.Шараҳметов,  
Х.Худойбердиев, М.Сафаров, Д.Мирзаев, Р.Джураев,  
З.Вахидов, О.Насиров, Л.Ачилова, К.Ниязов,  
М.Акрамова, Р.Назаров, Л.Николенко, Ш.Латипов,  
Б.Атаханов, О.Усмонов.

## КУНТАРТИБИ

**Кириш сўзи:** Ўзбекистон Республикасида Рақобат мұҳитини  
ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасини янада  
такомиллаштириш ва унинг ривожланиш истиқболлари (*Маркетинг уюшмаси  
бошқарув раиси, Жамоатчилик кенгаши раиси Д.Мирзаахмедов*)

- Ўзбекистон Республикасида Рақобатни ривожлантириш ва  
истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасини такомиллаштириш  
масалалари.
- Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя  
қилиш қўмитаси хузуридаги Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш,  
кенгаши таркиби ва Низомни тасдиқлаш.

### **3. Жамоатчилик кенгаши йиғилишлари режасини кўриб чиқиш.**

**Раислик этувчи** Д.Мирзаахмедов ўзининг кириш сўзида бугунги куннинг мухим мавзуларидан бири — Ўзбекистон Республикасида рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш соҳасини такомиллаштириш ҳақида фикр юритишидир кераклигига тўхтади ҳамда Мамлакатимизда бу йўналишда катта ислоҳотлар амалга оширилаётганини, чунки бозор иқтисодиётини ривожлантириш ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг асосий шартларидан бири бу — рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишда инновацияларни жорий қилиш келажакда соҳани тартибга соладиган қонунчилик ҳужжатларини халқаро стандартларга мослаштириш, рақамли технологияларни жорий этиш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-куватлаш вазифалари долзарб ҳисобланишини айтиб, Рақобат муҳитини такомиллаштириш ва истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш нафақат иқтисодиёт ривожи учун, балки, ахолининг фаровонлиги ва ижтимоий адолатнинг таъминланиши учун ҳам жуда муҳимлигини, ушбу соҳадаги ишларни изчил давом эттириб, ҳар бир фуқаронинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун бор имкониятлардан фойдаланишимиз зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Жамоатчилик кенгашининг бугунги йиғилиши кун тартибига киритилган барча масалалар ушбу маъмурий-ислоҳотларни амалга ошириш чоратадбирлари билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратиб, Жамоатчилик кенгашининг аъзоларининг ҳар бир фикр-мулоҳаза, таклиф-тавсиялари Қўмита фаолиятида мухим аҳамият касб этишини қайд этди.

**Биринчи масала** юзасидан Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси жамоатчилик билан алоқалар бўйича маслаҳатчиси **Отабек Усмонов** сўзга чиқди ва қўйидагиларни маълум қилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 марта “2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-6181-сон Фармони ва 2018 йил 4 июлдаги “Давлат

органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-3837-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида қуидаги таклифлар билдирилди:

- Жамоатчилик кенгаши таркибини 1-иловага мувофиқ тасдиқлаш;
- Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги Низомни 2-иловага мувофиқ тасдиқлаш;
- Йиғилишлар режаси Қўмита раиси томонидан тасдиқланадиган график асосида ташкил этилишини таъминлаш;
- Масъул бўлинмаларнинг кенгаш муҳокамаси учун қарор лойиҳаларини тайёрлаш вазифасини белгилаш;
- Жамоатчилик кенгаши йиғилишлари йиллик ва чораклик режа асосида ўтказилиши, ҳар чоракда камида бир марта йиғилиш ўтказиш талабини жорий этиш.

**Иккинчи масала** Жамоатчилик кенгаши фаолиятини тартибга солишга оид Низом лойиҳаси қўриб чиқилди ва муҳокама этилди. Низомда кенгаш фаолиятининг мақсадлари, вазифалари ва масъулиятлари белгиланган. Барча аъзолар томонидан мазкур Низом бир овоздан маъқулланди.

**Учинчи масала** Жамоатчилик кенгашининг иш режаси ва йиғилиш мавзуларини режалаштириш бўйича таклифлар билдирилди. Режа доирасидаги йиғилишларда давлат органлари, хусусий сектор ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этиши белгиланди.

### **Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамоатчилик кенгашининг умумий йиғилиши қарор қиласи:**

**1.Жамоатчилик кенгаши таркибини 1-иловага мувофиқ ҳамда кенгаш тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига тавсиявий рўйхат сифатида кўриб чиқиш учун таклиф этилсин.**

**2.**Кенгаш йиғилишлари ва унинг фаолияти юзасидан маълумотларни Кўмитанинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлари орқали эълон қилиб борилиши юзасидан тегишли тавсиялар киритилсин;

**3.**Кенгашнинг самарали фаолият олиб борилиши мақсадида, муҳокамаларига йиғилишлари ҳар чоракда камида бир марта ўтказиб борилиш тартиби белгилансин ҳамда ушбу таклиф кўриб чиқиш учун Рақобат қўмитасига тақдим этилсин.

**4.**Кенгаш муҳокамаларини тасдиқланган режа-график асосида самарали ўтказилиши ва Кенгаш қарорлари расмийлаштириб борилиши юзасидан Кенгаш ишчи гурӯҳи масъул эканлиги белгилансин.

**5.** Рақобат қўмитаси раисининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича маслаҳатчиси О.Усмоновга Жамоатчилик кенгаши билан доимий алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан ҳамкорлик қилиб бориш бўйича Кенгашнинг таклифлари киритилсин.

Йиғилиш котиби,  
баёнлаштирувчи



**С.Нормуродов**